

ХИЗМАТЛАР КУРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)

ОИД ШАРТНОМА № SSS 71

“06”. 12. 2022 йил

Самарқанд шаҳри

“Smart Solutions System” МЧЖ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади. Узининг устави асосида иш юритувчи директори И.Фозилов номидан, бир томондан ва Зарафшон МТФБ, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади, узининг низоми асосида иш юритувчи А.Каримкулов номидан, иккинчи томонидан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Мазкур шартнома буйича «Бажарувчи» «Буюртмачи»га 2022 йил 23-ноябрь №22110012196269-сонли лот ҳамда “Хончарвок гидроузелини Автоматлаштириш” хариди бўйича энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид комиссиясининг 30.11.2022 йил №196269-сонли баённомасига асосан Зарафшон магистрал тизимидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги Дарғом эски Анҳор тизимига қарашли “Хончорвок” гидроузелининг мавжуд тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва экспертиза ҳулосасига асосан сув ресурсларини бошқаришни назорат қилувчи Автоматлаштириш тизимини жорий қилиш ва ишга тушириш (кейинги ўринларда-«Хизматлар» деб юритилади) хизмат курсатиш, «Буюртмачи» ушбу «Хизматлар»ни қабул қилиш ва қийматини тулаш мажбуриятини уз зиммасига олади.

№	Товар иш хизмат номи	Улчов Бирли ги	Сони	Бир бирлик иш(хизмат) нархи	Суммаси	НДС 15%	Баҳоси
1	Дарғом эски Анҳор тизимига қарашли “Хончорвок” гидроузелининг мавжуд тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва экспертиза ҳулосасига асосан сув ресурсларини бошқаришни назорат қилувчи Автоматлаштириш тизимини жорий қилиш ва ишга тушириш	услуга	1	291 304 347,83	291 304 347,83	43 695 652,17	335 000 000,00
	Жами			x	291 304 347,83	43 695 652,17	335 000 000,00

2. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. «Бажарувчи»дан шартномани бажарйш учун зарур булган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. «Бажарувчи»дан «Хизматлар» «Буюртмачи»нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини коплашни талаб қилиш;

2.1.3. «Бажарувчи»дан мазкур шартномага мувофик бераладиган курсатилишини буюртмага мувофик тегишли сифатга эга булган хизматлар курсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга булмаган «хизматлар» курсатилган тақдирда уз танлашига кура:

-зарур сифатга эга булмаган «Хизматлар» шунга ухшаш «Хизматлар» билан алмаштирилишини;

-«Хизматлар»нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан тугриланиши харажатларини коплашни;

-баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартларини бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланиши «бажарувчи»дан талаб қилиш ва йигирма икки иш кунидан кечикган хар бир куни учун 0,5 фоиз жарима бажарувчи томонидан туланиш

2.2. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

2.2.1 «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида «бажарувчи» билан

шартнома тузиш;

2.2.2. Уз буюртманомаси буйича курсатилган «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.3. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1.-бандида курсатилган нарх буйича, қабул қилиш -топшириш далолатномаси имзолаган пайтдан бошлаб, газначилик булими рўйхатидан утказган дан сунг 15 кун мобайнида ҳақ тулаш.

2.3. «Бажарувчи» куйидаги ҳуқуқларига эга:

2.3.1. Курсатилган «Хизматлар» учун олдиндан ҳақ туланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини «буюртмачи» дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ курсатилган «Хизматлар»ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини «буюртмачи»дан талаб қилиш;

2.4. «Бажарувчи» куйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси газначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг «Хизматлар»ни кўрсатиш;

2.4.2. «Буюртмачи»га «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 4.8.-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда курсатиш;

2.4.3. Агар «Хизматлар»ни курсатиш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «Буюртмачи»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 1 йил муддатда текин тузатиб бериш.

2.4.4. Бажарувчи томонидан 30% олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг «хизматлар»ни 30 кун давомида тўлиқ бажариб бериш ва йигирма икки иш кунидан кечикган ҳар бир куни учун 0,5 фоиз жарима бажарувчи томонидан қопланиш.

3.ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси барча солиқларни ҳисобга олган ҳолда **335 000 000,00** (уч юз уттиз беш миллион) сўм, шундан **ҚҚС суммаси 43 695 652,17** (қирқ уч миллион олти юз туқсон беш минг олти юз эллик икки) сўм 17 тийинни ташкил этади. Бажарилган хизматлар учун олдиндан тулов 30 % ташкил қилади. Қолган 70 % ни «Хизматлар» курсатилгандан сунг ўтказиб берилади.

3.2. Курсатилган «Хизматлар» учун пул қучириш йули билан нақд пул сиз тартибида ҳисоб-китоб қилинади.

4.ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартномашартларини бир томонлама узгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Хизматлар» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар буйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. «Буюртмачи»нинг ҳисоб-китоб ҳужжатида газначилик булинмаларининг штамида курсатилган сана «Хизматлар»га ҳақ тулаш буйича «Буюртмачи» мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. «Буюртмачи» муддатлар бузилган ҳолда курсатилган «Хизматлар»ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир ноида «Хизматлар» курсатилиши Ушбу ассортиментга қирувчи бошқа номдаги курсатилмаган «Хизматлар» урнини тулдириш сифатида қаралмайди ва курсатилмаган «Хизматлар»нинг урни тулдирилиши керак, бундай «Хизматлар» «Буюртмачи»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги буйича курсатиладиган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Курсатилган «Хизматлар» бевосита «Буюртмачи»нинг маъсул ходими томонидан далолатнома буйича қабул қилинади. Далолатномада курсатилган «Хизматлар» миқдори, уларнинг сифати курсатилади.

4.7.Шартномада назарда тутилган «Хизматлар» курсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки «буюртмачи»нинг буюртномаси курсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Бажарувчи» буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритилади.

4.8. «Буюртмачи» илғари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд «Хизматлар»нинг тегишли

қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Бажарувчи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1-кун олдинхабардоркилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Курсатилаётган «Хизматлар» сифат, миқдори «Бажарувчи» томонидан нотўғри аниқланишини, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «бажарувчи» курсатилаётган «Хизматлар»нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган Ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сўмманинг 20 фоизи миқдорида жарима тулайди.

5.2. Агар курсатилган «хизматлар»нинг сифати ассортиментини навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарига (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон курсатилган, сифати зарур даражада булмаган «хизматлар» қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тулайди.

5.3. «Хизматлар» курсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «бажарувчи»га белгиланган устамалардан ташқари курсатилиши керак бўлган «Хизматлар»нинг 25 фоизи миқдорида жарима тулайми. Жаримадан ташқари «Бажарувчи» «Буюртмачи» га «Хизматлар» курсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тулайди.

5.4. Хизматлар курсатиш кечиктирилган ёки тулик курсатилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бундан пенянинг умумий суммаси курсатилмаган «хизматлар» қийматининг 50 фоизидан ортиқ булмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган томони шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Хизматлар» курсатиш муддати кечиктирилиши ёки тулик курсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Курсатилган «Хизматлар» учун уз вақтида туланмаганда «Буюртмачи» «бажарувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисоб рақамидан пеня тулайди, бироқ бу кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ булмаслиги керак.

5.6. «Буюртмачи» томонидан тегишли контрактция шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Буюртмачи»нинг жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) «буюртмачи» томонидан контрактция шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «бажарувчи»нинг жавобгарлиги ҳам куриб чиқилади. «Бажарувчи»нинг айби билан контрактция шартномасининг «Буюртмачи» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижада етказилган зарар белгиланган тартибда «Бажарувчи» томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

5.9. Бажарилган (таъмирланган) ишдан чиқган ишлатилиб эскирган (куйган) рангли металллар белгиланган тартибда бажарувчи томонидан буюртмачи томонга қайтарилади.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли массалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага қура, муस्ताкил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини қурадилар,

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

7.1. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тулик тугаланган тақдирда тухтатилади.

7.2. Шартномани тарафларнинг узаро кеклишувга асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан

илгари бекор килиши мумкин.

7.3 Мазкур шартноманинг бахоси барча солиқларни ҳисобга олган ҳолда **335 000 000,00** (уч юз уттиз беш миллион) сўм, шундан **ҚҚС суммаси 43 695 652,17** (қирқ уч миллион олти юз туксон беш минг олти юз эллик икки) сўм 17 тийин сўмни ташкил этади. № 71 сонли шартнома 01.12.2022-йилда 2 нусхада тузилган булиб тузулган вақтдан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилинади. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарканд вилояти буйича Ғазначилик бошқармасидан белгиланган тартибда рухсатдан утказилгандан сунг қонуний кучга киради.

8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларининг келишувига кура ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларининг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларининг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Бажарувчи:

Буюртмачи:

“SMART SOLUTIONS SYSTEM” МЧЖ

Зарафшон магистрал тизимидан фойдаланиш

Юридический адрес: г.Ташкент, ул. Лабзак, 1А

бошқармаси

Р/с:

Р/с: №: 20208000005153369002

Л/с: 100010860184017042402170003

Банк реквизитлари: "ORIENT FINANS BANK"

Банк реквизитлари: Марказий Банк ХККМ

головной офис г.Ташкент

Тошкент шаҳри

МФО: 01071

МФО: 00014

ИНН: 306945457

ИНН: 204688504

Директор


И.Фозилов


Бошқарма бошқани

А.Каримкулов



Зарафшон МТРБ бошқармаси директори  А.Соматов

Зарафшон МТРБ бошқармаси 1-ўриндорари  А.Салимов

Дархон Тоқмоқ Ахкор тизим бошқармаси:  А.Каримкулов